

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК номидаги
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

«ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ» кафедраси

Институтнинг илмий-услубий
кеңашида кўриб чиқилди ва
чоғ этишга рухсат берилди.
Рўйхатга олинди: 261
Баённома № 10.

"10" 07 2018 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Институтнинг илмий-услубий
кеңашчи раиси
тех. фан. доц. доц. А. Рахимов



"10" 07 2018 й.

“ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ” фанидан
“Бир қаватли бино ёпмаси конструкцияларини лойиҳалаш”
мавзусидаги курс лойиҳасини бажариш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

5230200 – Менежмент
5610100 – Хизматлар соҳаси
5440300 – Шаҳар қурилиши ва хўжалиги
5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш
таълим йўналишларига мўлжалланган.

САМАРҚАНД- 2018

УДК 624.0(07)

Ушбу **услубий кўрсатма** - Республикамиздаги давлат таълим стандартлари талабларига ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ, ШНҚ)га мувофиқ келишини таъминлаган ҳолда тайёрланган. Курс иши ва қурилиш амалиёти учун иқтисодий жиҳатдан самарали асосий юк кўтарувчи металл фермалар ва темирбетон тўсинларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш, талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш билан биргаликда уларга амалий ва мустақил ишларни бажаришга ёрдам беради.

Услубий кўрсатма 5610100 – Хизматлар соҳаси, 5230200 – Менежмент, 5440300 – Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, 5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналишлари бўйича «Қурилиш конструкциялари» фанидан курс лойиҳасини бажарувчи бакалаврларга ҳамда қурилиш билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Курс ишида бир қаватли бино том ёпмасини лойиҳалаш кўзда тутилган бўлиб 2 бўлимдан иборат:

1. Трапеция шаклидаги металл стропила ферма ҳисоби;
2. Олдиндан зўриктирилган йиғма темирбетон тўсин ҳисоби

Ҳисоблаш ишлари бажарилгандан кейин тушунтириш хати ва А-3 форматда ишчи чизмалар чизилади.

Жадваллар - 6 та, расмлар - 13та, библиография - 11та, иловалар - 13 та.

Тузувчилар:	“Қурилиш конструкциялари” кафедра ўқитувчиси Бахтиёр Тухтамуродович Хайдаров “Қурилиш конструкциялари” кафедра ўқитувчиси Улуғбек Дамирович Хамрокулов “Қурилиш конструкциялари” кафедра ўқитувчиси Мафтуна Исмаиллайевна Туракулова
Такризчилар:	“Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди С.З.Зайниев “Фарзона сталь сервис” МЧЖ раҳбари, техника фанлари номзоди, доцент, С.А. Аслиев
Нашр учун масъул	“Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди В.Ф.Усмонов

«ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ» кафедраси мажлисида (2018 йил «17» май № 4 баённомасида) ва «ҚУРИЛИШ» факультетининг илмий-услубий кенгаш йиғилишида (2018 йил « ... » № баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Чиқиш белгилари: СамДАҚИ. Шакли А 4. Буюртма №... Адади.5 та, Ҳажми 3,4 б.т.

КИРИШ

Замонавий қурилишни амалга ошириш ҳозирги замон муҳандис қурувчидан чуқур билим ва малака талаб этади. Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» га асосан, қурилиш соҳасини бошқарадиган юқори малакали мутахассис-кадрлар олий ўқув юртларининг қурилиш йўналишларида тайёрланади.

Қурилиш йўналишлари бўйича бакалавр даражасини олиш учун таълим оладиган талабалар «Қурилиш конструкциялари» фанини пухта билишлари лозим бўлади.

«Қурилиш конструкциялари» фанини ўзлаштиришда амалий дарс, лаборатория машғулоти, талаба томонидан бажариладиган курс иши ва лойиҳалари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Амалий машғулотларда талабалар томонидан кичик масалалар ечиладиган бўлса, курс иши ва лойиҳаларда бу кичик масалалар бино ва иншоотларни барпо этишда ишлатиладиган қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш билан боғланади. Ушбу курс лойиҳасида катта, бир равоқли саноат бинолари, озик-овқат ва савдо мажмуалари, катта оралиқли павилонлар ва шунга ўхшаш иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш келтирилган.

Мазкур услубий кўрсатмани тайёрлашдан мақсад қурилиш конструкцияларини лойиҳалашда талабаларга амалий ёрдам бериш ва курс иши ҳамда курс лойиҳаларини мустақил равишда бажариш учун методик кўрсатмалар беришдан иборат.

Ушбу услубий кўрсатмада равоғи 24 м бўлган, элементлари бурчакликлардан ташкил топган, трапеция шаклидаги металл ферма ҳамда, равоғи 12 м бўлган, олдиндан зўриқтирилган кўндаланг кесими кўштавр шаклидаги бўлган йиғма темирбетон тўсиннинг ҳисоби келтирилган.

Ушбу услубий кўрсатмада, равоғи 12 м, 15 м, 18 м, 21 м ва 24 м бўлган, элементлари бурчакликлардан ясалган трапеция шаклидаги стропил фермаларнинг ҳисобий схемалари ҳамда ферма юқори белбоғ тугунларига қўйилган $P=1$ кучдан ферма элементларида ҳосил бўлган зўриқишлар келтирилган.

Ҳисоб ишларини бажаришда зарур бўладиган маълумотлар жадвал шаклида (иловаларда) келтирилган.

Услубий кўрсатма қурилиш таълим йўналишидаги олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган.

1. ФЕРМАЛАР ХАҚИДА ТУШУНЧА

Фермалар, тўсинлар сингари, қурилишда ёпма конструкциялари сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Фермаларнинг тўсинларга нисбатан афзаллиги шундан иборатки, муаян мустаҳкамликни таъмилаш учун нисбатан кам метал сарфланади. Бироқ, тайёрлашда тўсинга нисбатан кўпроқ меҳнат сарфланади. Технология, архитектура талаблари ва юкларнинг характериға қараб уларнинг ташқи кўриниши (шакли) турли хил бўлади. Ферманинг шаклини (контурини) танлашда иншоотнинг нима мақсадда қурилаётганлигини, томнинг турини, ёритиш воситаларининг мавжудлиги, ёпмадан ёмғир сувларини оқизиш қандай ташкил қилинишини, архитектура талабларларини ва бошқа бир қатор омиллари эътиборға олиш лозим. Ферманинг шакли унинг оғирлигига, ясаш, таши ва монтаж қилишнинг қулайлигига таъсир курсатади. Буларнинг барчаси ферманинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини белгилайди. Ҳозирги даврда параллел камарли, трапециясимон, учбурчак шаклли ва кўпбурчакли (полигонал) фермалар кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ферманинг узунлиги, равоқнинг ўртасида ва таянчдаги баландлиги унинг асосий ўлчамлари ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ферманинг ўлчамлари фойдаланиш, архитектура ва технологик талабларға кўра белгиланади.

Трапециясимон ва параллел камарли фермаларнинг баландлиги узунлигининг $1/9 \div 1/7$ қисмиға яқин қилиб белгиланади. Бундай баландлик ферманинг оптимал оғирлиги шартидан аниқланади. Ферманинг баландлиги белгилашда уни бир жойдан иккинчи жойға транспорт ёрдамида ташиш, монтаж қилиш шароитларини ҳам ҳисобға олиш лозим. Трапециясимон фермаларнинг таянчдаги кесимидаги баландлиги ферма узунлигининг $1/17 \div 1/13$ қисмини ташкил этади.

Ферманинг панжара системасини танлашда стерженларнинг ҳисобий узунликлари катта бўлмаслиги, стержен ва тугунлар сони мумкин қадар кам бўлишиға интилиш керак. Сиқилишға ишлайдиган стерженлар калтароқ, чўзилишға ишлайдиганлари узунроқ бўлгани маъқул. Панжара ферманинг бикрлигини ва тўпланма юкларнинг тугунлар бўйича узатилишини таъминлайди.

Ясси фермалар ўз текислигида ишлаганда катта бикрликка эға, аммо ўз текислигига нисбатан тик текислик йўналишида ферманинг бикрлиги бироз кичик. Шу сабабли улар мазкур йўналишда устиворликни тез йўқотади. Устивор ишлай оладиган қурилма яратиш учун икки қўшни ферма ўртасида юқори ва пастки камарлар текислигида горизонтал, ферманинг вертикал

стерженлари ўртасига эса вертикал боғланишлар қуйиб, устивор фазовий блок ҳосил қилинади.

Ёпма фермалари, одатда, қўйиладиган қўйидаги ҳисобий юклар таъсирида бўлади:

доимий юк (ферма, прогон, боғланиш, ёпма қурилмалари, осма шип ва бошқаларнинг хусусий оғирликлари);

муваққат юк (қор юки);





махсус таъсирлар (сейсмик юк).

Ферма стерженлари кесимидаги зўриқишлар, қурилиш механикасининг усуллари (масалан, Масвелл-Кремонт диаграммасини қуриш)дан ёки тугун кесиш усулларида, ҳамда замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида «ЛИРА» ПК дан фойдаланиб, ҳар бир таъсир учун алоҳида-алоҳида аниқланади. Сўнгра юкларнинг бир вақтда таъсир қилиш эҳтимоллигини инобатга олган ҳолда ҳар бир стержень кесимидаги мумкин бўлган катта ҳисобий зўриқиш аниқланади. Бу зўриқиш орқали стерженларнинг кўндаланг кесимлари танланади. Ушбу услубий кўрсатмада «ЛИРА» ПК дан фойдаланиб, $P=1$ бирлик кучдан ферма элементларида ҳосил бўлган зўриқишлар ҳар бир улчамдаги фермалар учун келтирилган.

Маълумки, сиқилган стерженнинг юк кўтарувчанлиги мазкур стерженнинг мустаҳкамлиги билан бирга устиворлиги билан ҳам белгиланади. Демак, стерженнинг кўндаланг кесимини танлашда унинг эгилувчанлигини ҳам этиборга олиш лозим.

Ферма стерженлари фақат бўйлама зўриқиш таъсирида ишлаши учун ташқи юк тўпланган ҳолда тугунларга қўйилиши лозим. Тугунлардаги фасонкалар шакли шундай бўлиши керакки, стерженларни ўзаро бириктириш учун пайванд чокларни бажариш қулай бўлсин, маҳалли кучланишлар тўпланиши ҳосил қилмасин ва фермани яшаш учун оз меҳнат талаб қилиниб, харажатлар минимал бўлсин.

1.1. Фермаларнинг хисобий схемалари




1-Расм. Фермаларнинг хисобий схемалари ва геометрик ўлчамлари

1.4. Ферма стерженларидаги зўриқишларни аниқлаш

«Ли́ра» дастури ёрдамида, равоғи 12м, 15м, 18м, 21 ва 24м бўлган трапеция шаклидаги ферма стерженларида ($P=1$) бирлик кучдан зўриқишлар аниқланган натижалари 1.2...1.5 жадвалларда келтирилган.

Курс ишини бажаришда ферма стерженларида ҳосил бўладиган ҳақиқий зўриқишни аниқлашда, бирлик кучдан ҳосил бўладиган зўриқишларни ферма тугунларига таъсир қилаётган юклар йиғиндисига кўпайтириш орқали топилади.




2-Расм. Равоғи 12м бўлган ферма элементлари рақамланиши

1.1-жадвал

Равоғи 12 м бўлган ферма стерженларидаги зўриқишлар

Ферма элементлари номи	Стержен тартиб рақами	$P=1$ бирлик кучдаги зўриқиш	$F=$ га тенг бўлган тугунларга қўйилган ташқи юкдан ҳисобий зўриқиш (кН)	
			Сиқилиш	Чўзилиш
1	2		4	5
Юқори белбоғ	5	0.000		
	6	-7.704		
	7	-7.704		
	8	-8.047		
Пастки белбоғ	1	5.185		
	2	8.411		
Панжара элементлари	18	-6.256		
	19	2.985		
	20	-1.007		
	21	-0.551		
Устунлар	13	-1.000		
	14	-1,000		
	15	0.733		




3-Расм. Равоғи 15м бўлган ферма элементларининг рақамланиши

1.2-жадвал

Равоғи 15 м бўлган ферма стерженларидаги зўриқиш

Ферма элементлари номи	Стержен тартиб рақами	$P=1$ бирлик кучдаги зўриқиш	$F=$ га тенг бўлган тугунларга қўйилган ташқи юкдан ҳисобий зўриқиш (кН)	
			Сиқилиш	Чўзилиш
1	2		4	5
Юқори белбоғ	5	0.000		
	6	-6.684		
	7	-6.684		
	8	-7.059		
Пастки белбоғ	1	4.456		
	2	7.333		
Панжара элементлари	18	-5.667		
	19	2.772		
	20	-0.996		
	21	-0.464		
Устунлар	13	-1.000		
	14	-1.000		
	15	0.663		




4-Расм. Равоғи 18 м бўлган ферма элементларининг рақамланиши

1.3-жадвал

Равоғи 18 м бўлган ферма стерженларидаги зўриқиш

Ферма элементлари номи	Стержен тартиб рақами	$P=I$ бирлик кучдаги зўриқиш	$F=$ га тенг бўлган тугунларга қўйилган ташқи юкдан ҳисобий зўриқиш (кН)	
			Сиқилиш	Чўзилиш
1	2		4	5
Юқори белбоғ	5	0.000		
	6	-7.22		
	7	-7.22		
	8	-8.028		
Пастки белбоғ	1	4.666		
	2	8.181		
Панжара элементлари	18	-5.833		
	19	3.166		
	20	-1.332		
	21	-0.247		
Устунлар	13	-1.000		
	14	-1.000		
	15	0.333		



5-Расм. Равоғи 24м бўлган ферма элементларининг рақамланиши

1.4-жадвал

Равоғи 24 м бўлган ферма стерженларидаги зўриқиш.

Ферма элементлари номи	Стержен тартиб рақами	$P=1$ бирлик кучдан зўриқиш	$F=$ га тенг бўлган тугунларга қўйилган ташқи юкдан ҳисобий зўриқиш (кН)	
			Сиқилиш	Чўзилиш
1	2		4	5
Юқори белбоғ	5	0.000		
	6	-8.601		
	7	-8.601		
Пастки белбоғ	8	-9.263		
	1	5.676		
Панжара элементлари	2	9.574		
	18	-6.668		
	19	3.402		
	20	1.274		
Устунлар	21	-0.440		
	13	-1.000		
	14	-1.000		
	15	0.538		

Ферма элементлари кўндаланг кесими учун тақрибий инерция радиуслари қиймати.

$i_x = 0.3h$ $i_y = 0.21b$	$i_x = 0.28h$ $i_y = 0.24b$	$i_x = 0.32h$ $i_y = 0.2b$	$i_x = 0.21h$ $i_y = 0.2b$ $i_\eta = 0.185b$	$i_x = 0.30h$ $i_y = 0.215b$

$$\lambda = \frac{l_0}{i}, \quad (1)$$

Сиқилган элементларни устиворликка ҳисоблаш учун стержен эгилювчанлигини аниқлаймиз. Бундан ташқари, ферманинг барча стерженлари учун, шу жумладан чузилган элементлар учун рухсат этилган эгилювчанлик берилган бўлиб, ҳар бир стержен эгилювчанлик бўйича текширилади

$$\lambda \leq [\lambda], \quad (2)$$

бу ерда $[\lambda]$ – рухсат этилган эгилювчанлик.

Ферма стерженларининг чегаравий эгилювчанлиги- $[\lambda]$

Стержендаги зўриқиш.	Ферма стержени номи	Стерженнинг чегаравий салқилиги
		Пўлат материал
Сиқувчи	Юқори белбоғ ҳамда таянч ҳовони элементи.	120
	Бошқа элементлар	150
Чўзувчи	Пастки белбоғ ва таянч элементлари	250
	Бошқа элементлар	350

Эгилювчанликни текшириш:

$$\lambda_x = \frac{l_{0x}}{i_x} \leq [\lambda], \quad \lambda_y = \frac{l_{0y}}{i_y} \leq [\lambda], \quad (3)$$

Ферма текислигидаги стержен ҳисобий узунлиги қуйидаги формула орқали топилади:

$$l_x = \mu l, \quad (4)$$

Ферма текислигига тик (перпендикуляр) бўлган текисликда стержен ҳисобий узунлиги:

$$l_y = l_1, \quad (5)$$

бу ерда: l_1 – ферма текислигига тик бўлган қўзгалмас тугунлар орасидаги масофа; μ келтирилган ҳисобий узунлик коэффиценти бўлиб, кўндаланг кесими бурчакли ва тавр кўринишидаги фермалар юқори ва пастки

белбоғларини ташкил этган элементлар учун $\mu = 1$ сиқилган панжара ва устунлар учун $\mu = 0.8$ (ферманинг ўз текислиги бўйича) ташқи текислик бўйича $\mu = 1$.

Ферма элементи (стержен)нинг ҳисобий узунлиги l_{ef} ва эгилувчанлик λ дастлабки кўринишда $\lambda = 80 - 100$ белгиланса, стержен кўндаланг кесимининг инерция радиусини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$i_{x.Тал} = \frac{l_x}{\lambda} ; \quad i_{y.Тал} = \frac{l_{0y}}{\lambda} . \quad (6)$$

бу ерда: l_{0x}, l_{0y} – ферма стерженлари узунлиги ўз текислигида ва ферма текислигига тик бўлган текисликда; i_x, i_y – тегишли текисликдаги кесим юзаси инерция радиуслари.

Ферма стерженларининг ҳисобий узунликлари

Устиворликнинг йўқолиш йўналиши	Ҳисобий узунлик		
	Камарлар учун	Таянчдаги, қия хавон ва устунчалар.	Бошқа хавон ва устунчалар учун.
Ферманинг ўз текислигига (l_x)	l	l	$0,8 l$
Ферма текислигига тик бўлган текисликда (l_y)	l_1	l	l

Э с л а т м а: l – ферма текислигидаги стерженларнинг геометрик узунлиги (тугунлар орасидаги масофа); l_1 – ферма текислигига тик бўлган кўзгалмас тугунлар орасидаги масофа; l_x – ферманинг ўз текислигидаги стерженларнинг ҳисобий узунлиги l_y – худди шу нарса, фақат ферма текислигига тик бўлган текисликда.

Чўзиладиган стерженлар кесим юзасини танлаш. Мустаҳкамлик шартидан талаб қилинган юза қуйидагича топилади:

$$A_{m.k} = \frac{N}{R_y \gamma_c} , \quad (7)$$

бу ерда: N – стержендаги буйлама зўриқиш, R_y – пулатнинг ҳисобий қаршилиги,

γ_c –иш шароитини ҳисобга олувчи коэффициент:

сиқилган белбоғ ва таянч ҳовонлар учун $\gamma_c = 0,95$;

ҳамма чўзилган стерженлар учун $\gamma_c = 0,95$;

бошқа сиқилган устун ва ҳовонлар учун $\gamma_c = 0,8$;

Сиқилган стерженлар кесим юзасини танлаш. Устиворлик шартидан талаб қилинган юза қуйидагига тенг:

$$A_{m.k} = \frac{N}{\varphi R_y \gamma_c}, \quad (8)$$

бу ерда φ – бўйлама эгилиш коэффициенти.

Бўйлама эгилиш коэффициентини аниқлаш учун дастлаб сиқиладиган элемент учун эгилувчанликни $\lambda=100$ қабул қилиб, пўлатнинг ҳисобий қаршилигига асосан жадвалдан бўйлама эгилиш коэффициенти φ нинг қийматини аниқлаймиз.

Сортаментдан талаб қилинган кесим юзасини танлагандан сўнг, элементни (3) формула орқали эгилувчанлигини текшириб кўрамиз, шарт бажарилмаса танланган кеим юзасини ўзгартирамиз. Эгилувчанликнинг ката қиймати бўйича коэффициент φ коэффициентни аниқлаймиз ва қуйидаги формула орқали стержен устиворлигини аниқлаймиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi A} \leq R_y \gamma_c. \quad (9)$$

$0 < \bar{\lambda} \leq 2,5$ бўлса φ коэффициент қуйидаги формуладан аниқланади [4].

$$\varphi = 1 - \left(0.073 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda} \cdot \sqrt{\bar{\lambda}} \quad (10)$$

$2,5 < \bar{\lambda} \leq 4,5$ бўлса φ коэффициент қуйидаги формуладан аниқланади [4].

$$\varphi = 1.47 - 13.0 \cdot \frac{R_y}{E} - \left(0.371 - 27.3 \cdot \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda} + \left(0.0275 - 5.53 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda}^{-2} \quad (11)$$

2. ЛОЙИҲАЛАШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

Бир қаватли бино конструкцияларини лойиҳалаш учун қуйидаги маълумотлар келтирилади:

- а) Бинонинг равоғи L=24 м;
- б) Устунлар қадами B=12 м;
- в) Бинонинг стропила ферма остигача бўлган баландлик H=6,5 м;
- г) Том сэндвич панелларидан иборат;
- д) Томга таъсир қиладиган қор юки 0,5 кН/м²;
- е) Пўлат синфи С 245;
- ж) Темир бетон тўсин учун бетон синфи В25;
- з) Темирбетон тўсин учун арматура синфи АтV;
- и) Бино узунлиги 48 м.

2.1. Бир қаватли бино том конструкцияларини лойиҳалаш


Бир қаватли бинонинг режаси ва қирқими 6-расмда келтирилган. Бинонинг томи трапеция шаклидаги металл фермалар билан ёпилади. Металл фермалар устидан қадами $a=3$ м га тенг бўлган прогонлар ўрнатилади. Прогонлар устидан том учун мўлжалланган сэндвич панеллари қўйилади. Қурилиш майдони Самарқанд шаҳри.

Дастлаб қурилиш майдонига қараб [5] меъёрий ҳужжатдан қор қоплами оғирлигидан ҳосил бўладиган юкни ҳисоблаймиз. Самарқанд шаҳри қор қоплами бўйича I-туманга мансуб бўлганлиги учун қор қоплами оғирлигидан ҳосил бўладиган юкга тенг. Томнинг нишаблиги $\alpha < 15^{\circ}$ бўлганлиги учун $\mu=1$ қабул қилинади $s_0=50$ кг/м². У вақтда қор қоплами оғирлигидан ҳосил бўладиган юкнинг меъёрий қиймати қуйидагига тенг бўлади


$$s_n = \mu s_0 = 1 \times 50 = 50 \text{ кг/м}^2;$$

$$\text{ҳисобий қиймати } s = s_n \gamma_f = 50 \times 1,4 = 70 \text{ кг/м}^2.$$

Прогон сифатида чиғирланган С245 синфли пўлатдан тайёрланган швеллер танлаймиз.



7-Расм. Ферма элементларининг геометрик ўлчамлари.



8-Расм. Ферманинг ҳисобий схемаси.

Фермага таъсир қиладиган юклар


2.1- жадвал

№	Номланиши	Юкнинг норматив киймати, кг/м ²	Юк буйича ишонч-лилик коэффициенти γ_c	Ҳисобий юк, кг/м ²
1	Сэндвич панел, қалинлиги 100 мм (тўлдирувчиси -базаль)	25	1,1	27,5
2	Прогон швеллер №14, m= 12,3 кг/м ² .қадами 3 м.	4,1	1,05	4,3
	Σ	g_n 29,1		g_n 31,8
	Кор юки	S_n 50,0	1.4	S_n 70,0
	Σ	79,1	Σ	101,8

2.2. Прогон ҳисоби

Ферма равоғи 24 м ва қадами $B=6\text{ м}$ га тенг. Ферма юкори тасмаси тугунларига прогонлар ўрнатилади. Прогонлар қадами 3 м га тенг.

Прогоннинг ҳисобий схемаси сифатида икки таянчда эркин ётган тўсин қабул қиламиз (9-расм, а.). Прогонга юклар унинг узунлиги бўйича тенг тақсимланади. Прогоннинг ҳисобий узунлиги стропила фермалари қадамига, яъни $6,0\text{ метр}$ га тенг деб олинади. Прогоннинг ҳисобий схемаси 9-расмда келтирилган.



9- расм. Прогон ҳисоблашга доир: а)–прогоннинг ферманинг камарига миниши; б)- прогоннинг ҳисобий схемаси.

Прогонга таъсир этадиган нормативни юк қиймати

$$q_n = (g_n + s_n) \cdot d = (29,1 + 50) \cdot 3 = 237,3 \text{ кг} / \text{м}^2 = 2,373 \text{ кН} / \text{м}^2.$$

Прогонга таъсир этадиган ҳисобий юк қиймати

$$q = (g + s) \cdot d = (31,8 + 70) \cdot 3 = 305,4 \text{ кг} / \text{м}^2 = 3,05 \text{ кН} / \text{м}^2,$$

бу ерда $d=3\text{ м}$. прогон қадами.

Прогонга таъсир этадиган моментнинг қийматини қуйидагича аниқлаймиз

$$M_{\max} = \frac{q l_0^2}{8} = \frac{3,05 \cdot 6^2}{8} = 13,725 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$Q_{\max} = \frac{q l_0}{2} = \frac{3,05 \cdot 6}{2} = 9,15 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Талаб этиладиган кесим қаршилик моменти

$$W_{m.k} = \frac{M}{c_1 R_y \gamma_c} = \frac{13,725 \cdot 10^2}{1,0 \cdot 24,5 \cdot 1,0} = 56,02 \text{ см}^3,$$

бу ерда: $c_1 = 1,0$; $\gamma_c = 1$.

Сортаментидан $W_{m.k} = 57,1875 \text{ см}^3$ га асосланиб, № 14 швеллерни танлаймиз $W_x = 70,2 \text{ см}^3$, $J_x = 491 \text{ см}^4$. (Илова 5 - жадвал).

Шундай қилиб $W_x > W_{m.k}$ булиши керак.

Прогон кўндаланг кесимида ҳосил бўладиган нормал кучланиш миқдори

$$\sigma = \frac{M}{W_x} = \frac{13,725 \times 10^2}{70,2} = 19,55 \text{ кН} / \text{см}^2 < 24,5 \text{ кН} / \text{см}^2.$$

Шарт бажарилди. Қабул қилинган швеллер етарли мустаҳкамликка эга.

Прогон салкилигини ҳисоблаймиз.

$$f = \frac{5}{384} \times \frac{q_n \times l_0^4}{E \times I_x} = \frac{5}{384} \times \frac{0,2373 (\text{н} / \text{мм}) \times 600^4 (\text{см}^4)}{2,06 \times 10^5 (\text{н} / \text{мм})^2 \times 491 (\text{см}^4)} = 3,06 \text{ мм} =$$

$$= 0,4 \text{ см} < [f] = \frac{600}{200} = 3 \text{ см}.$$

Бу ерда $[f] = \frac{1}{200} l$ прогонлар учун чегаравий салкилик миқдори.

Шарт бажарилди. Қабул қилинган № 14 швеллер бикрлик бўйича талабга жавоб беради.

2.3. Ферма стерженларидаги зўриқишларни аниқлаш

Равоғи 24 м, қадами $a = 6,0 \text{ м}$ бўлган металл ферманинг ҳисобий схемаси 8-расмда келтирилган. Ферма узунлиги 12 м бўлган темирбетон тўсинга ўрнатилади. Фермага том конструкцияси оғирлигидан таъсир қиладиган юклар ферма тугунларига прогонлар орқали тўпланган юк сифатида узатилади. Тўпланган юк миқдорини топиш учун 2.1-жадвалда келтирилган юкни қуйида келтирилган юк юзасига кўпайтирилиб топилади:

$$A_{\text{юк}} = d \cdot a = 3 \cdot 6 = 18 \text{ м}^2$$

d – прогонлар орасидаги масофа

а – ферма қадами.

$$P = q \cdot A_{\text{юк}} = 1,02 \cdot 18 = 18,36 \text{ кН.}$$

Равоғи 24 м бўлган ферманинг хусусий оғирлиги (боғловчилар билан биргаликда) 0.25 кН/м^2 ни ташкил қилади.

Ферма оғирлигидан ҳосил бўладиган юклар ҳам тугунларга қўйилган бўлади. Ферма оғирлигидан ҳосил бўладиган юк

$$G = g_{\text{ферма}} \cdot A_{\text{юк}} \cdot \gamma_f = 0.25 \cdot 18 \cdot 1,05 = 4,73 \text{ кН.}$$

Тугунларга таъсир қиладиган жами тўпланган юк

$$F = P + G = 18,36 + 4,73 = 23,09 \text{ кН.}$$

Ташқи юкдан ферма элементларида ҳосил бўладиган зўриқишларни аниқлаш учун бирлик кучдан ҳисобланган зўриқишларни (2.2-жадвал 3-устунга қаранг) қиймати $F = 23,09 \text{ кН}$ га тенг бўлган ташқи юк қийматига кўпайтирилади. Ферма элементларида ташқи юклардан ҳосил буладиган зўриқишлар 2.2 - жадвалнинг 4 ва 5 устунда келтирилган.

Ферманинг таянч реакцияси

$$R_A = R_B = 4 \cdot F = 4 \cdot 23,09 = 92,36 \text{ кН.}$$

2.2.-жадвал

Ферма элементлари номи	Стержен тартиб рақами	$P=1$ бирлик кучдан ҳосил буладиган зўриқиш	$F=23,09 \text{ кН}$ га тенг бўлган тугунларга қўйилган ташқи юкдан ҳосил бўлган ҳисобий зўриқиш (кН)	
			Сиқилиш	Чўзилиш
1	2	3	4	5
Юқори белбоғ	5	0,00		
	6	- 8,601	-198,6	
	7	- 8,601	-198,6	
	8	- 9,263	-213,88	
Пастки белбоғ	1	5,676		+131,06
	2	9,574		+221,06
Панжара элементлари	18	-6,668	-153,96	
	19	3,402		+78,55
	20	- 1,274	-29,42	
	21	- 0,44	-10,16	
Устунлар	13	- 1,00	-23,09	
	14	- 1,00	-23,09	
	15	0,538		12,42

2.4. Ферманинг стерженлари кўндаланг кесимини танлаш.

Сиқилувчи элементлар (стерженлар)нинг талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формуладан топилади

$$A_{m.k} = A_n = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{198,6}{0,512 \cdot 0,95 \cdot 24,5} = 16,66 \text{ см}^2,$$

6 ва 7 стерженлар учун $N = -198,6 \text{ кН}$ га тенг.

бу ерда: R_y - пўлатнинг ҳисобий қаршилиги, φ - бўйлама эгилиш коэффициентини γ_c - иш шароитини ҳисобга олувчи коэффициент. Бу коэффициент қуйидагига тенг қилиб олинади:

Бўйлама эгилиш коэффициентини аниқлаш учун дастлаб сиқиладиган элемент учун эгилувчанликни $\lambda = 100$ қабул қилиб, пўлатнинг ҳисобий қаршилиги $R_y = 24,5 \text{ МПа}$ бўлганда жадвалдан бўйлама эгилиш коэффициентини қийматини аниқлаймиз $\varphi = 0,512$.

И4 – жадвалдан $2 \angle 90 \times 6$ лик бурчаклик қабул қиламиз:

$$A = 2 \cdot 10,6 = 21,2 \text{ см}^2$$

Танланган бурчаклик учун

$$i_x = 2,78 \text{ см}; i_y = 3,97 \text{ см},$$

6 ва 7-чи стерженлар учун танланган кесим эгилувчанликлари:

$$\lambda_x = \frac{l_{ef}}{i_x} = \frac{300}{2,78} = 108 < \lambda = 120$$

$$\lambda_y = \frac{l_{ef}}{i_y} = \frac{300}{3,97} = 76,14 < \lambda = 120$$

$$\bar{\lambda} = \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 76,14 \sqrt{\frac{245}{2,06 \times 10^5}} = 2,62$$

$2,5 < \bar{\lambda} \leq 4,5$ бўлган ҳолда φ коэффициент (11) формула орқали аниқлаймиз.

$$\varphi = 1.47 - 13.0 \cdot \frac{245}{2.06 \cdot 10^5} - \left(0.371 - 27.3 \cdot \frac{245}{2.06 \cdot 10^5} \right) \cdot 2.62 + \\ + \left(0.0275 - 5.53 \cdot \frac{245}{2.06 \cdot 10^5} \right) \cdot 2.62^2 = 0.711$$

$\varphi = 0.406$ қабул қилиб, юқори камарлар учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A_{\text{хак}} \cdot \gamma_c} = \frac{198,6}{0,711 \times 21,2 \cdot 0,95} = 13.86 \text{ кН / см}^2 < R_y = 24,5 \text{ кН / см}^2.$$

8 - стержен учун $N = -213,88 \text{ кН}$;

$$A_{m.k} = A_n = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{213.88}{0,512 \cdot 0,95 \cdot 24,5} = 17.94 \text{ см}^2,$$

$$A_{\text{малаб}} = 17,94 \text{ см}^2;$$

И4 – жадвалдан қалинлиги $2 \angle 90 \times 6$ бурчаклик қабул қиламиз:
 $A = 2 \cdot 10.6 = 21.2 \text{ см}^2.$

$$i_x = 2.78 \text{ см}; i_y = 3.97 \text{ см}.$$

8 - стержен учун танланган кесим эгилувчанликлари:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_x} = \frac{300}{2.78} = 108 < \lambda = 120$$

$$\lambda_y = \frac{l}{i_y} = \frac{300}{3.97} = 75.5 < \lambda = 120$$

$$\bar{\lambda} = \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 75.5 \sqrt{\frac{245}{2.06 \cdot 10^5}} = 2.60$$

$$\varphi = 1.47 - 13.0 \frac{245}{2.06 \cdot 10^5} - \left(0.371 - 27.3 \frac{245}{2.06 \cdot 10^5} \right) \cdot 2.60 + \\ + \left(0.0275 - 5.53 \frac{245}{2.06 \cdot 10^5} \right) \cdot 2.60^2 = 0.770$$

$\varphi = 0.649$ қабул қилиб, юқори камарлар учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A_{\text{хак}}} = \frac{213,88}{0,770 \cdot 21,2 \cdot 0,95} = 13.66 \text{ кН / см}^2 < R_y = 24,5 \text{ кН / см}^2.$$

2.5. Пастки тасма ҳисоби

1-чи ва 2-чи элементлар чўзилади.

1-чи элементда $N = +131,06 \text{ кН}$;

2-чи элементда $N = +221,06 \text{ кН}$ га тенг.

Чўзилувчи элементлар учун талаб этиладиган кесим юзаси қуйидаги формуладан топилади:

$$A_{m.к} = \frac{N}{R_y \gamma_c}$$

1-чи элемент учун

$$A_{m.к} = \frac{131,06}{24,5 \cdot 0,95} = 5,63 \text{ см}^2;$$

2-чи элемент учун

$$A_{m.к} = \frac{221,06}{24,5 \times 0,95} = 9,49 \text{ см}^2.$$

Топилган кесим юзаси бўйича 1-чи элемент учун сортаментдан (И4 – жадвал) қалинлиги $2 \angle 56 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз

$$A_x = 2 \times 5,41 = 10,82 \text{ см}^2;$$

$$i_x = 1,72 \text{ см}; i_y = 2,61 \text{ см}.$$

Эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_x} = \frac{600}{1,72} = 348 < \lambda = 350$$

$$\sigma = \frac{N}{A \cdot \gamma_c} = \frac{131,06}{10,82 \cdot 0,95} = 12,75 < R_y = 24,5 \text{ кН / см}^2.$$

Аниқланган кесим юзаси бўйича 2-чи элемент учун сортаментдан (И4- жадвал) қалинлиги $2 \angle 56 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз:

$$A_{хак} = 2 \times 5,41 = 10,82 \text{ см}^2;$$

$$i_x = 1,72 \text{ см}; i_y = 2,61 \text{ см}.$$

Эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_x} = \frac{600}{1,72} = 348 < \lambda = 350.$$

$$\sigma = \frac{N}{A_{\text{хак}} \cdot \gamma_c} = \frac{221,06}{10,82 \cdot 0,95} = 21,5 < R_y = 24,5 \text{ кН / см}^2.$$

2.6. Панжаралар ҳисоби

18-стержен (таянч ҳовон) сиқилади ва ундаги зўриқиш $N = -153,96$ кН га тенг.

Бу элемент учун талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формула орқали ҳисобланиб топилади:

$$A_{\text{тк}} = A = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{153,96}{0,512 \times 0,95 \times 24,5} = 12,92 \text{ см}^2,$$

Аниқланган кесим юзаси бўйича 18-чи элемент учун сортаментдан (И4-жадвал) қалинлиги $2 \angle 70 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз:

$$A_{\text{хак}} = 2 \times 6,86 = 13,72 \text{ см}^2;$$

$$i_x = 2,16; \text{ см}; i_y = 3,16 \text{ см}.$$

18 стерженга зуриқиш катта бўлгани сабабли i_x йуналишда узунлигини камайтирамиз.

$$\lambda_x = \frac{l_{\text{ef}}}{i_x} = \frac{176}{3,08} = 57,1 < \lambda = 120; \quad \lambda_y = \frac{l_y}{i_y} = \frac{352}{3,16} = 111,4 < \lambda = 120$$

Бу ерда, $l_x = 176$ см; $l_y = 352$ см.

Таянч стержендаги ҳисобий зўриқиш 150 кН катта бўлганлиги учун (И3-жадвалга кўра) фасонканинг қалинлиги 8 мм тенг деб оламиз.

18-стержен учун танланган кесим эгилувчанликлари:

$$\begin{aligned} \bar{\lambda} &= \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 111,39 \sqrt{\frac{245}{2,06 \times 10^5}} = 3,84 \\ \varphi &= 1,47 - 13,0 \frac{245}{2,06 \times 10^5} - \left(0,371 - 27,3 \frac{245}{2,06 \times 10^5} \right) \cdot 3,48 + \\ &+ \left(0,0275 - 5,53 \frac{245}{2,06 \times 10^5} \right) \cdot 3,84^2 = 0,584 \end{aligned}$$

$\varphi = 0,677$ қабул қилиб, панжара учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A_{\text{хак}} \cdot \gamma_c} = \frac{153,96}{0,584 \cdot 13,72 \cdot 0,95} = 20,21 \text{ кН} / \text{см}^2 < R_y = 24,5 \text{ кН} / \text{см}^2$$

шарт бажарилди, танлаган бурчакликлар юзаси етарли.

19-стержен чўзилади ва ундаги зўриқиш $N = +78,55$ кН га тенг.

Бу элемент учун талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси куйидаги формуладан ҳисобланади:

$$A_{m.k} = A = \frac{N}{R_y \cdot \gamma_c} = \frac{78,55}{24,5 \cdot 0,95} = 3,37 \text{ см}^2,$$

Топилган кесим юзаси бўйича 19-чи элемент учун сортаментдан (И4-жадвал) қалинлиги $2 \angle 50 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз:

$$A_x = 2 \times 4,80 = 9,6 \text{ см}^2;$$

$$i_x = 1,53 \text{ см}; i_y = 2,38 \text{ см}.$$

19-стержен учун танланган кесим эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_x} = \frac{352}{1,53} = 230 < \lambda = 350; \quad \lambda_y = \frac{l_{ef}}{i_y} = \frac{352}{2,38} = 148 < \lambda = 350.$$

Бу ерда $l_x = l_y = 352 \text{ см}$;

$$\sigma = \frac{N}{A_{\text{хак}} \cdot \gamma_c} = \frac{78,55}{9,6 \cdot 0,95} = 8,61 < R_y = 24,5 \text{ кН} / \text{см}^2.$$

20- стержен сиқилади ва ундаги зўриқиш $N = -29,42$ кН.

Бу элемент учун талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси куйидаги формуладан топилади:

$$A_{m.k} = A = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{29,42}{0,512 \cdot 0,8 \cdot 24,5} = 2,93 \text{ см}^2$$

Топилган кесим юзаси бўйича 20-чи элемент учун сортаментдан (И4-жадвал) қалинлиги $2 \angle 50 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз;

$$A = 2 \times 4,8 = 9,6 \text{ см}$$

Танланган юза бўйича

$$i_x = 1,53 \text{ см}, i_y = 2,38 \text{ см}.$$

20-стержен учун танланган кесим эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_x} = \frac{304}{1.53} = 198.6 < \lambda = 350 \quad \lambda_y = \frac{l}{i_y} = \frac{381}{2.38} = 160 < \lambda = 350$$

Бу ерда $l_x = l \cdot 0.8 = 381 \cdot 0.8 = 304 \text{ см}$; $l_y = l = 381 \text{ см}$;

$$\begin{aligned} \bar{\lambda} &= \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 160 \sqrt{\frac{245}{2.06 \times 10^5}} = 5.51 \\ \varphi &= 1.47 - 13.0 \frac{245}{2.06 \times 10^5} - \left(0.371 - 27.3 \frac{245}{2.06 \times 10^5} \right) \cdot 5.51 + \\ &+ \left(0.0275 - 5.53 \frac{245}{2.06 \times 10^5} \right) \cdot 5.51^2 = 0.224 \end{aligned}$$

$\varphi = 0,224$ қабул қилиб, панжара учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A \cdot \gamma_c} < R_y = \frac{29.42}{0.224 \cdot 9.6 \cdot 0.8} = 17.10 < R_y = 24,5$$

21-стержен сиқилади ва ундаги зўриқиш $N = -10,16 \text{ кН}$.

Бу элемент учун талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формуладан топилади

$$A_{m.k} = A = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{10,16}{0.512 \cdot 0.8 \cdot 24,5} = 1,012 \text{ см}^2 .$$

Аниқланган кесим юзаси бўйича 21-элемент учун сортаментдан (И4-жадвал) қалинлиги $2 \angle 50 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз

$$A = 2 \times 4.8 = 9.6 \text{ см}^2 .$$

Танланган юза бўйича

$$i_x = 1.53 \text{ см}, i_y = 2.38 \text{ см} .$$

21-стержен учун танланган кесим эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_x} = \frac{304}{1.53} = 198 < \lambda = 350 \quad \lambda_y = \frac{l}{i_y} = \frac{381}{2.38} = 160 < \lambda = 350$$

$$\begin{aligned} \bar{\lambda} &= \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 160 \sqrt{\frac{245}{2.06 \times 10^5}} = 5.51 \\ \varphi &= 1.47 - 13.0 \frac{245}{2.6 \times 10^5} - \left(0.371 - 27.3 \frac{245}{2.06 \times 10^5} \right) 5.51 + \\ &+ \left(0.0275 - 5.53 \frac{245}{2.06 \times 10^5} \right) 5.51^2 = 0.224 \end{aligned}$$

Бу ерда: $l_x = l \cdot 0.8 = 381 \cdot 0.8 = 304 \text{ см}$; $l_y = l = 381 \text{ см}$;

Эгилувчанликнинг $\varphi=0,418$ қабул қилиб, 21 элемент учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A \cdot \gamma_c} < R_y = \frac{10,16}{0,224 \cdot 9,6 \cdot 0,8} = 5,9 < R_y = 24,5$$

2.7. Устун ҳисоби

13-стержен сиқилади ва ундаги зўриқиш $N = -23,09$ кН га тенг.

Бу элемент учун талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формуладан топилади

$$A_{m,k} = A = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{23,09}{0,512 \cdot 0,8 \cdot 24,5} = 2,3 \text{ см}^2.$$

Аниқланган кесим юзаси бўйича 13 элемент учун сортаментдан қалинлиги (И4-жадвал) $2 \angle 50 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз:

$$A = 2 \times 4,8 = 9,6 \text{ см}^2$$

Танланган юза бўйича

$$i_x = 1,53 \text{ см}, i_y = 2,38 \text{ см}$$

13-стержен учун танланган кесим эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_y} = \frac{128}{1,53} = 83,66 < \lambda = 120 \quad \lambda_y = \frac{l_y}{i_y} = \frac{160}{2,38} = 67,23 < \lambda = 120$$

$$\bar{\lambda} = \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 67,2 \sqrt{\frac{245}{2,06 \times 10^5}} = 2,31$$

Бу ерда: $l_x = l \cdot 0,8 = 160 \cdot 0,8 = 128$; $l_y = l = 160$

$0 < \bar{\lambda} \leq 2,5$ бўлган ҳолда φ коэффициент (10) формула орқали топилади

$$\varphi = 1 - \left(0,073 - 5,53 \frac{245}{2,06 \cdot 10^5} \right) \cdot 2,31 \cdot \sqrt{2,31} = 0,765$$

Коэффициент $\varphi=0,765$ қабул қилиб, 13 элемент учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A_{\text{хак}} \cdot \gamma_c} < R_y = \frac{23,09}{0,765 \cdot 9,6 \cdot 0,8} = 3,39 < R_y = 24,5$$

14- стержен учун :

Бу элемент учун талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формуладан топилади

$$A_{m,k} = A = \frac{N}{\varphi \cdot \gamma_c \cdot R_y} = \frac{23,09}{0,512 \cdot 0,8 \cdot 24,5} = 2,3 \text{ см}^2.$$

Аниқланган кесим юзаси бўйича 14 элемент учун сортаментдан қалинлиги (И4-жадвал) $2 \angle 50 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз:

$$A = 2 \times 4.8 = 9.6 \text{ см}^2$$

Танланган юза бўйича

$$i_x = 1.53 \text{ см}, i_y = 2.38 \text{ см}$$

14-стержен учун танланган кесим эгилувчанлиги:

$$\lambda_x = \frac{l}{i_y} = \frac{168}{1.53} = 109.8 < \lambda = 120 \quad \lambda_y = \frac{l_y}{i_y} = \frac{210}{2.38} = 88.23 < \lambda = 120$$

$$\bar{\lambda} = \lambda_y \sqrt{\frac{R_y}{E}} = 88.23 \sqrt{\frac{245}{2.06 \times 10^5}} = 3.04$$

Бу ерда: $l_x = l \cdot 0.8 = 210 \cdot 0.8 = 168$; $l_y = l = 210$

$2.5 < \bar{\lambda} \leq 4.5$ бўлган ҳолда φ коэффициент (9) формула орқали топилади

$$\begin{aligned} \varphi &= 1.47 - 13.0 \frac{245}{2.6 \times 10^5} - \left(0.371 - 27.3 \frac{245}{2.06 \times 10^5} \right) 3.04 + \\ &+ \left(0.0275 - 5.53 \frac{245}{2.06 \times 10^5} \right) 3.04^2 = 0.619 \end{aligned}$$

Коэффициент $\varphi = 0.619$ қабул қилиб, 14 элемент учун кесимдаги кучланишни ҳисоблаймиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A_{\text{хак}} \cdot \gamma_c} < R_y = \frac{23.09}{0.619 \cdot 9.6 \cdot 0.8} = 4.85 < R_y = 24.5$$

15- стержен учун :

$$A_{\text{м.к}} = A = \frac{N}{\gamma_c \cdot R_y} = \frac{12.42}{0.8 \cdot 24.5} = 0.63 \text{ см}^2.$$

Аниқланган кесим юзаси бўйича 15 элемент учун сортаментдан қалинлиги (И4-жадвал) $2 \angle 50 \times 5$ лик бурчакликлар қабул қиламиз:

$$A_{\text{хак}} = 2 \cdot 4.80 = 9.6 \text{ см}; \quad l_x = l_y = 260 \text{ см}$$

Кесим юзаси хочсимон бўлганлиги учун

$$i_x = 0.21xh = 0.21x(2x5+8) = 2.27; \quad \lambda_x = 114.5;$$

$$i_y = 0.2xb = 0.2x(2x5+8) = 2.16; \quad \lambda_x = 120.3.$$

$$\sigma = \frac{N}{A \cdot \gamma_c} < R_y = \frac{12.42}{9.6 \cdot 0.8} = 1.61 < R_y = 24.5$$

Ферма ҳисоби бўйича маълумотлар

2.3-жадвал

Ферма элемент-лари	Элемент рақамлари	Ҳисобий зўриқиш-лар	Кесими	Кесим юзаси	Ҳисобий узунлик		Рад. инерция		Эгишувчанлик		$[\lambda]$	φ	%	Кесимдаги кучланиш
					l_x	l_y	i_x	i_y	λ_x	λ_y				
Устки белбоғ	5	0,00	2 ₁ Г90x6	21.24	300	300	2.78	3.97	108	76.14	120	-	0.95	-
	6,7	-198,6	2 ₁ Г90 x6	21.24	300	300	2.78	3.97	108	76.14	120	0,711	0.95	13.86 < 24,5
	8	-213,88	2 ₁ Г90 x6	21.24	300	300	2.78	3.97	108	75.5	120	0,770	0.95	13.66 < 24,5
Пастки белбоғ	1	131,06	2 ₁ Г56x5	10,82	600	600	1,72	2.61	348,8	229,8	350	-	0.95	12,75 < 24,5
	2	221,06	2 ₁ Г56x5	10,82	600	600	1,72	2.61	348,8	229,8	350	-	0.95	21,5 < 24,5
Панжара-лар	18	-153,96	2 ₁ Г70x5	13.72	176	352	2,16	3,16	57.1	11.4	120	0,548	0.95	20.21 < 24,5
	19	78,55	2 ₁ Г50x5	9.6	352	352	1.53	2.38	230	148	350	-	0.95	8.61 < 24,5
	20	-29,42	2 ₁ Г50x5	9.6	305	381	1.53	2.38	198	160	350	0,224	0.8	17.10 < 24,5
	21	-10,16	2 ₁ Г50x5	9.6	305	381	1.53	2.38	198	160	350	0,224	0.8	5.9 < 24,5
